

---

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ БИРЛАШАЙЛИК!

Мустаҳкам Дўстлик МФЙ ҳудудида жойлашган 37-умумтаълим мактабида маҳалла аҳолиси учун "Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик" шиори остида консцерт дастури ҳамда "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида турли спорт мусобақалари ташкилланди.

Икки кун давомида маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг футбол, воллейбол, шахмат-шашка, стол теннис, арқон тортиш каби мусобақалар ва „Заковат" интелектуал ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда 2-сектор ҳудудига кирувчи маҳалла ёшлари ҳам фаол иштирок этишди.

Вилоят ҳокими ўринбосари Файзулла Қосимов, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси раҳбари Мухаммадамин Ғаниев, туман сектор раҳбарлари мусобақа ғолибларини табриклаб, эсдалик совғаларини топширдилар.

Эстрадамизнинг ёрқин ўлдузлари ҳамда туман маданият бўлими ҳодимлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар маҳалла аҳолиси учун унитилмас онларни тухфа этди.

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.**

2022-07-08 11:19:30